



TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ  
XO'JALIGINI MEXANIZATSİYALASH  
MUHANDISLARI INSTITUTI



FAN: | Қудуқли насос  
қурилмалари

MAVZU  
**10**

Қудуқли насос қурилмалари ишини  
бошқариш



Norqulov Bexzod  
Eshmirzaevich

Suv energiyasi va nasos  
stansiyalaridan foydalanish  
kafedrasi dotsenti



Режа :

- 1. Насос қурилмалари ишини бошқариш мақсади ва усуллари.
- 2. Құдуқли насос қурилмалари ишини бошқаришни вазифаси ва ўзига хослиги.
- 3. Құдуқли насос қурилмалари ишини бошқариш усуллари.

Ҳар бир насос нормал иш режимида, ўзининг босим характеристикаси билан, қувурлар системасига характеристикаси кесишигандан ишчи нуқтасига мос келадиган сув сарфини узатиб туради. Аммо баъзи вактларда, насос қурилмаси узатаётган сув сарфини ўзгартиришга тўғри келади.

Насос қурилмасининг сув сарфини ўзгартириш учун қувурлар системаси ёки насоснинг ишчи характеристикаларини сунъий равишда ўзгартириш керак.

- Бунинг учун құдуқли насос қурилмаларида бошқаришни ушбу үсулларидан фойдаланса бўлади:
- Дроселлаш, яъни задвижка нисбий очилишини бошқариш.
- Ишчи ғилдирак диаметрини камайтириш.
- Поғоналар сонини камайтириш.
- Поғоналар сонини камайтириш ва қисман дроселлаш.
- Поғоналар сонини камайтириш, ишчи ғилдирак диаметрини камайтириш.

## **Задвижкани ёпиш йўли билан насос ишини тартибга солиш.**


Бу усулда асосан, қувурлар системасининг қаршилиги кўпайтирилади, яъни задвижкани маълум даражада ёпиш кифоя қиласди. 1-расмда кўриниб турибдики, задвижкани ёпишни кўпайтирганимиз сари, қаршилик кўпайиб бораяпти ва насоснинг сув сарфи камайиб кетаяпти, яъни

$$H_C > H_B > H_A; \quad Q_A > Q_B > Q_C; \\ \eta_A > \eta_B > \eta_C; \quad (1)$$

Бу усул жуда оддий, қўшимча асбоб—ускуналар талаб қилинмайди, аммо насоснинг Ф.И.К. жуда камайиб кетади. Бу усулни фақат марказдан қочма қудуқли насослар учун қўллаш мумкин, чунки бу насосларда, қаршиликлар кўпайиб сув сарфи камайган сари, қувват ҳам камайиб боради. Бу усулда тартибга солиш, сўриш, ёки босим қувурларига ўрнатилган задвижкалар орқали амалга оширилиши мумкин.

**Сув сарфининг бир қисмини босимли  
кувурдан чиқариб юбориш йўли билан  
насос ишини тартибга солиш.**

Бу усул қўлланганда насос кўтариб берадиган бир қисм сув, босим кувурга уланган қўшимча қувурлар ва ундаги задвижкалар орқали сўриш қувурига ўтказилади ёки сув манбасига қайта ташлаб юборилади



**2-расм. Ортиқча сувни сўриш қувури ёки пастки бъефга ташлаб юбориш схемаси.**

Сўриш қувурига келиб қўшилаётган сув, насосда юз берадиган кавитация жараёнини камайтириши мумкин.

Аммо, қўшимча қувурлар системаси ва асбоб—ускуналар қўлланиши, насос кўтариб бераётган сувнинг фойдасиз айланиб туриши натижасида Ф.И.К. камайиб кетиши ва бошқа қулайсизликлари учун, бу усул кўп қўлланилмайди.

Шундай қилиб, насослар ишини сон жиҳатдан тартибга солиш оддий бўлгани билан жуда заарлидир, чунки бу усулларда бекорга босим ва қувват исрофи ҳамда, насослар қисмларининг ишдан чиқиши ҳоллари юз беради.

Ҳозирги кунда Республикаизда “Сувмаш” ОАЖда ЭЦВ 8-160 м, ЭЦВ 8-25-100 м, ЭЦВ 8-40-60 м, ЭЦВ 10-120-80 м, ЭЦВ 10-120-55 м, ЭЦВ 10-120-30 м, ЭЦВ 10-160-35 м, ЭЦВ 10-160-15 м, ЭЦВ 12-255-30 м насослари ишлаб чиқарилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бу насосларнинг аксарияти вертикал дренаж насос қурилмалари учун ҳосил қилаётган босими бўйича тўғри келмайди.

Демак, насосларни керакли иш режимида ишлаши учун, яъни насосни ҳосил қилаётган босимини ташқи тармоқ босимига мослаштириш учун мавжуд кераксиз босим бошқарилиши зарур.

## Дроселлаш үсули

Дроселлашда босимли қувурда жойлашган задвижка қисман ёпилади ва сув ҳаракатидаги қаршиликни ошириш йўли билан насосдаги кераксиз босим  $\Delta H = H_B - H_C^{\text{керакли}}$  сўндирилади.

Бунда қудуқли насос қурилмасидан фойдаланиш коэффициенти  $\eta_{\text{фой}}$ .


$$\eta_{\text{фой}} = \eta_H \cdot \frac{H_c^{\text{керакли}}}{H_B}$$

бу ерда:  $\eta_H$  - эксплуатацион дебитдаги насос ФИК;

$H_c^{\text{керакли}}$  – ташқи тармоқ керакли босими;

$H_B$  -  $Q=Q_{\text{эксп}}$  даги насос босими.

Задвижкадаги дискани маълум ёпилишда ташқи тармоқ ўзгартирилган характеристикиси насоснинг босим характеристикасини берилган  $Q_{\text{эксп}}$  сув сарфига тўғри келувчи В нуқтада кесиб ўтиши лозим насоснинг берилган сув сарфида насоснинг босимини сўндириш учун задвижка дискасини ёпилиш қиймати графиклардан қабул қилинади.



- **Насос поғонасини камайтириш усули**
- 
- Күп поғонали құдуқли насосларни босим характеристикаси деярли камайтирилган поғоналарга пропорционал камаяди.
- Поғоналар сонини камайтириш усули насоснинг босими  $H$  құдуқ дебити  $Q_{\text{экс}}$  да ташқи тармоқ керакли босимидан  $H_c$  керакли  $2$  бараварда күп бўлган ҳолда қўлланилади.

**Поғоналар сони камайтирилганда, 1м<sup>3</sup> үзатилаётган сувнинг баҳоси:**

$$C_{погона} = \frac{Q_{ЭКС} \cdot H_{погона} \cdot T \cdot Z \cdot K}{102 \cdot \eta_{погона} \cdot \eta_{дв} \cdot W} + \frac{Z_{погона}}{W} - \frac{Z^1_{погона}}{W}$$

бу ерда:  $H_{погона}$  – поғоналар сони камайған насос босими, м;


$\eta_{погона}$  – поғоналар сони камайған насос ФИК, %;

$Z_{погона}$  – погоналар сонини камайтиришга кетған ҳаражат, сұм;

$Z^1$  – камайтирилған поғоналар деталлари баҳоси, сұм.

## Аралаш үсүли

Аралаш үсүлга, насосдаги поғоналар, яъни ишчи ғилдираклар сонини камайтириш ва ишчи ғилдирак диаметрини йўниб, кам номинал қувватли ботирилган электродвигателга алмаштириш киради. Кўп поғонали құдуқли насос қурилмасининг босими эгилган поғоналар сонига мос равишда пропорционал равишда камаяди.



# Аралаш усул билан құдукли насос қурилмаси иш режимини ростлаш графиги

## **Ишчи ғилдирак диаметрини қирқиши үсүли**

Насос ишчи ғилдираги ташқи диаметри  $D$  ни қирқиши, насоснинг босим характеристикасини пасайтиради ва бирон  $D$  қирқилганда унинг характеристикаси берилган нұқта  $C$  дан үтади

Ишчи ғилдирак қирқилганда шұнга яраша истеъмол қуввати ва кам миқдорда ФИК камаяди.

Иловада ЭЦВ 10-120-40, ЭЦВ 10-160-35, ЭЦВ 12-255-30 ва ЭЦВ 12-375-30 құдуқли насосларни 0,8  $D$  диаметригача тенг 5 % қирқиши интервалидаги қирқилган ишчи ғилдирак характеристикалари келтирілген.

Амалий ҳолларда ишчи ғилдирак диаметрини қирқиши қийматини билиш үчүн құдуқли насос универсал характеристикаларидан фойдаланилганда интерполяцияни қўллаш зарур.

1м<sup>3</sup> узатилаётган сув баҳоси:

$$C_{\text{киркиш}} = \frac{Q_{\text{жк}} H_{\text{c}}^{\text{киркиш}} \cdot T \cdot Z \cdot K}{102 \cdot \eta_{\text{киркиш}} \cdot \eta_{\text{дв}} \cdot W} + \frac{Z_{\text{киркиш}}}{W}$$

бу ерда:  $\eta_{\text{киркиш}}$  – қирқишидеги насос ФИК;

$\eta_{\text{дв}}$  – ботирилган двигатель ФИК;

$Z_{\text{киркиш}}$  – ишчи фидирилакни қирқишига кетган ҳаражат, сүм.

- **Құдуқли насос қурилмасыга хизмат күрсатиш**
- 
- Құдуқли насос қурилмалари эксплуатацияси шароити, вазифаси, амалға оширилиши ўрганилди. Техник хизмат күрсатиш тартиби ва вақти белгиланди. Вертикал зовур насос қурилмасини техник соз ҳолда ушлаб туриш эксплуатация ва таъмирлаш хизматини асосий вазифасидир. У режали техник хизматни ва таъмирлашни амалға оширишни тақозо қиласады.
- Техник хизмат күрсатиш насос күч жиҳозларини техникхолатини аниқлаш, иш ҳолатида ушлаб туриш ва таъмирлаш кераклигини билишни мақсад қиласады

- Вертикал зовур насос қурилмасыга хизмат күрсатиш техник жиҳозлар билан таъминланган хизматчи билан амалга оширилида, унга 10 тагача қудук бириктирилади. Жорий назорат ва қудукли ер усти комплекси таъмири таъмирлаш бригадаси билан амалга оширилади. Бунда ток кучи, электроэнергия ҳисоблагиchi ва манометр күрсаткичларини ёзиш, сарфи, статор ўрамаси ва ток узатувчи кабел изоляцияси қаршилигини ўлчаш керак. Күрсатиш натижалари қудукли иш ҳисботи журналига ёзилади.

- Барча бу күрсаткичлар бутун насосни ва айрим қисмларни ишлаш характери түғрисида мuloҳаза қилишга ва ўз вақтида профилактик кузатиш ва таъмирлашни бажаришга омил бўлади.
- Юқорида айтилган тартибда ва вақтда ойига бир марта техник хизматни ўз вақтида ташкил қилиш ва ўтказиш насос куч жиҳозларини меъёрий хизмат муддатини таъминлашга омил бўлиши керак.

Эътиборингиз учун раҳмат